

ЁШЛАРДА МИЛЛАТЛАРАРО МУОМИЛА МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВ МИСОЛИДА)

Асилбеков Дониёр Бахром ўғли

Тарих факультети

Ўзбекистон Миллий университетининг 1 босқич магистранти

Abstract: Глобаллашув даврида оммавий маданият, ҳар бир давлат қатори, Ўзбекистон ёшларининг баъзи бирларига таъсир қилиши ва бошқа объектив ва субъектив сабабларга кўра, бағрикенглик руҳида тарбия кун тартибига қўйилди.

Калит сўзлар: оммавий маданият, бағрикенглик, авлод, бошқарув.

Толерантлик — яъни бағрикенглик – кўнгил ҳолати бўлиб, ҳар бир киши бу ҳолатга эришмоғи, албатта, қийин кечади. Алоҳида олинган жамиятда бағрикенглик онгини вужудга келтириш мушкул ва мураккаб вазифадир. Бағрикенгликнинг самарадорлиги унинг шакл-шамойили мазкур жамиятдаги устун онг характериға нақадар мувофиқлиғига борлиқ бўлади. Бу нарса авлоддан-авлодга ўтиб келаётган онг ҳамжамиятнинг пойдевори эканлиги билан белгиланади. Биз эътиқодларимизга қўшилган кишилар билан ёки тили ва маданияти бизникига ўхшаш бўлганлар билан ёхуд бизнинг этник гуруҳимизга мансуб бўлганлар билан бирлашамиз. Олимларнинг фикрича, бугун инсоният тарихи давомида тил бирлиги ва этник яқинлик туйғуси инсонлар ҳамжамиятининг асоси бўлиб келган. Шу билан бирга биз "ўзгаларга" — биздан бошқача бўлган кишиларга душманлик кўзи ва кўрқув билан муносабатда бўлишга мойилмиз. Бундай тафовут биологик маданий ёки сиёсий воқеликнинг ҳар қандай даражасида мавжуд бўлиши мумкин. Маданият ёки диндаги энг муҳим анъаналар ҳисобига ўз бирлигини сақлаб қолган анъанавий ҳамжамиятларга нисбатан ҳозирги замондаги барча миллатлар маданий, диний ва сиёсий жиҳатдан кўпроқ хилма-хилдирлар¹.

Ҳақиқатда, биз ишониб келган ғояларнинг нуқсонсизлиғига ва биз баҳслашаётган қарашларнинг ёлғонлиғига ҳеч қандай шубҳа-гумон қолмайдиган бўлса, ҳар қандай эътиқод — диний, сиёсий ёки маданий эътиқод тоқатсизликка олиб бориши мумкин. Этник ўзаро муносабатларда бағрикенглик ҳақида гапириш жуда мушкул. Чунки айни этник соҳа замирида турли-туман ихтилофлар, зиддиятлар, можаролар учун хавф яшириниб ётади. Халқлар ўртасидаги муносабатлар кескин ва фожиали бўлиб келганлигини тарих тажрибаси кўрсатиб турибди. Инсоният тарихида рўй берган кўпдан-кўп урушлар давомида айрим миллат ва элатлар қириб ташланган, баъзилари қувғинга учраган. Ҳозирги давр кишилар миллий онгида ҳам бунинг таъсирини кўриш мумкин. Халқлар онгида сақланган ана шундай ўзига хос адолатсизлик можаролар тўғрисидаги хотиралар орага маълум совуқчилик тушуриб, кишилар ўртасидаги муносабатларни чигаллаштиришга сабаб бўлади.

Этник бағрикенгликни шакллантириш — миллатлараро можароларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг энг тўғри йўлидир. Бу жараёнда кўп хил маданиятларни бирлаштирувчи ягона маконни вужудга келтиришнинг аҳамияти каттадир. Бунинг учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

аввало миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш зарурки, қуйидагилар ушбу маданиятнинг оддий унсурлари ҳисобланади:

"этник индиферентлик" (бепарволик), яъни шахслар ўртасидаги муомалада миллий омилни эътиборга олмаслик (алоҳида зарур ҳолатлар бундан мустасно);

бошқа миллат кишилари билан муносабатда мулоҳазали бўлиш;

ҳар бир киши ҳар қандай дунёқараш масаласида ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарини айтиш ҳуқуқига эга эканлиги;

миллий, этник муаммолар хусусидаги муҳокамада мазкур масала юзасидан узи эга бўлган билимлар ҳажмигагина таяниш;

инсон узи яшаб турган этник гуруҳнинг маросимлари, расм-русумлари, урф-одатларини билиши зарурлиги;

тил масаласи — миллатлараро муомала маданиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини эсда тутиш.

Бағрикенглик онгини шакллантиришнинг тил масаласини ҳал этишда оммавий ахборот воситалари ва аввало телевидениенинг аҳамияти жуда катта. Телевидение, радио ва матбуотда бағрикенгликка унчалик мос келмайдиган «хейш спич» — бачкана ва беҳаё ибораларнинг ишлатилиши, шахснинг миллий ва диний туйғуларини ранжитади ҳамда бачкана ва ҳаёсиз сўзларни кўчага, кундалик ҳаётга, кўпчиликнинг тилига туширади. Демократик фуқаролик жамиятида эса, шубҳасиз, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртага қўйилган мақсадга эришмоқ учун жамият кўп соҳалар бўйича ҳаракат қилиши зарур бўлади. Шу соҳаларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Илмий-таҳлилий йўналиш бағрикенглик онгини шакллантиришнинг, тотувлик маданиятини тарбиялашнинг, фуқаролик жамиятида экстремизмга қарши курашишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишни, экстремизм кўринишларини аниқлаш, текшириш ва мониторингдан ўтказиш усулларини, омма онгидаги эстремистик кайфиятни тузатишнинг ижтимоий-психологик усулларини, шу жумладан коммуникацион технологияларини ишлаб чиқишни, оммавий ахборот воситаларини бу соҳадаги фаолиятини кучайтиришни кўзда тулади².

Ташвиқот ва қарши ташвиқот йўналиши ҳар қандай шаклдаги эстремизмни ғайри ижтимоий табиатини очиб бериш учун оммавий ахборот воситалари (ОАВ)дан фойдаланиш, матбуотда босилган, телевидение орқали кўрсатилган, радио орқали эшиттирилган миллий ва диний адоватни авж олишига олиб боровчи материалларни ижтимоий-психологик текширишдан ўтказиш, бағрикенгликни оммалаштиришдан, жамиятдаги ижтимоий кескинликни камайитишга кўмаклашувчи ўқимишли материаллар эълон қилиш вазифасини ўртага қўяди.

Таълим, услубий йўналиш барча поғоналардаги таълим муассасаларида бағрикенглик онгини, динларга сабр-тоқат билан қарашни шакллантиришга ва маданиятлараро мулоқотни ўргатишга қаратилган таълим дастурлари ва технологияларини яратиб жорий этишни, муассасаларда оммавий коммуникациялар соҳасидаги мутахассисларни, давлат хизматчиларини, шунингдек ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича махсус дунёқараш психологик тренинглар (машғулотлар) ўтказиш назарда тутилади³.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдалар” нутқи. 2017 йил 19 сентябрь.

³ Вохидов М.Т. Толерантлик – ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш омили. Фалсафа. Фан.номз.автореф. – Тошкент, 2010

Меъёрий, услубий ва ташкилий йўналиш доираларида услубий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, кўрсатилган ва эшиттирилган материалларни ижтимоий-психологик экспертизадан ўтказиш учун шароит яратиш, жумладан интерактив таълим воситалари ва ўйинлардан фойдаланган ҳолда янги коммуникацион технологиялар ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш, экстремизм, агрессия, жабрдийдалар, қочоқларга ва ноиложликдан кўчиб кетганларга ёрдам бериш воситаларини яратиш; динлараро мулоқот самарадорлигини ошириш методикасини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Технологик ва моддий-молиявий йўналиш тинчлик маданияти соҳасида тажрибани тўплаш, дунёқараш барқарорлигини ижтимоий-коммуникацион технологиялари тизимини шакллантириш, шу асосда иқтисодийнинг инновацион (янги) тармоқларини яратиш вазифасини кўзлайди ва ҳоказо. Ҳамма жойда ва барча соҳада бағрикенглик муҳитини яратиш шубҳасиз осон вазифа эмас. Тарбия - тоқатсизликнинг олдини олишда энг самарали восита ҳисобланади, шу сабабли толерантлик руҳида тарбиялашни ҳозир биринчи даражали вазифа деб ҳисобламоқ керак. Бағрикенглик яъни толерантлик руҳда тарбиялаш — кўпгина давлат ва жамият муассасаларининг умумий вазифасидир⁴.

Мактаблар, коллежлар, академик лицейлар ва университетларда, норасмий таълим доирасида, уйда ва ишда бағрикенглик руҳини мустаҳкамлаш, рўй-ростлик бир-бирига эътибор ва бирдамлик муносабатларини вужудга келтириш, доимо толерантлик феъл-атворини ўргатиш, зўравонлик ва бегоналашувга асос бўладиган тоқатсизликнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний манбаларини очиқ ташлаш зарур бўлади.

Ҳозир интернет орқали тарқатилаётган ва йил сайин тобора кенг ва хилма-хил тус олаётган виртуал зўравонликка, шунингдек электрон оммавий ахборот воситаларидан, видео ва китоб маҳсулотларида тасвирланаётган жангари манзараларга қарши турадиган ички дунёқарашни шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Бағрикенглик муаммоси юзасидан эркин, ошқора мулоқот ва муҳокамага кўмаклашиш, толерантлик кадриятларини оммалаштириш ҳамда тоқатсизликни тарғиб қилувчи гуруҳлар ва мафкураларга нисбатан лоқайдлик кўринишлари хавфли эканини тушунтириб бериш ишида коммуникация воситалари биринчи даражали ижобий роль ўйнаши мумкин. Ижтимоий портлашлар хавфини камайтириш мақсадида миллатлар ва динлараро тоқатсизлик билан боғлиқ бўлган инқирозларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида фаол қарши ташвиқот олиб бориш зарур.

Агарда жойларда "Бағрикенглик марказлари" деб аталган илмий-амалий марказлар ташкил этилса, бу ҳол толерантлик руҳида тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин олган бўлар эди. Уларнинг олдида бағрикенглик руҳида тарбиялаш соҳасида аниқ-равшан чора-тадбирларни амалга ошириш ва жамиятда бағрикенглик муҳитини ривожлантиришга кўмаклашувчи махсус илмий тадқиқотлар ўтказиш вазифасини қўйиш лозим. Ушбу вазифалар ўз навбатида қуйидагиларни қамраб олади:

жамиятда шаклланган бағрикенглик муносабатлари тузилмаси ва даражасини ўрганиш;
- дунёда ва мамлакатда амалга оширилган бағрикенглик онги таомилларини шакллантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш йўлида уларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни тадқиқ қилиш;

⁴ Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Фармони. 2017 йил 19 май. АФ-5046-сон.

мустақиллик йилларида давлатимизда қабул қилинган ва жамиятимизда бағрикенглик муносабатлари шаклланишига таъсир ўтказган қонунчилик ва бошқарувчилик қарорларини ўрганиш;

- жамиятда бағрикенглик онги таомилларини шакллантиришни таъминлайдиган ва Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизлик шароитини яратишга кўмаклашадиган давлат хизматчиларининг лавозим мажбуриятларини ўрганиш;

барча поғонадаги давлат хизматчиларининг бошқарув фаолияти жараёнларида бағрикенглик кўникмаларини ривожлантириш учун уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини тадқиқ қилиш;

миграция жараёнлари ва уларнинг жамиятдаги бағрикенглик даражасига нақадар мувофиқлигини ўрганиш;

жамиятда бағрикенглик онгини шакллантириш ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш⁵.

Тадқиқот дастурини амалга ошириш учун аҳоли орасида ўтказиладиган социологик сўров усулларида, лойҳа дастурий фаолиятни амалга оширувчи жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар, ўқув юртлари, фондларнинг раҳбарлари билан, мутахассисларнинг суҳбатларидан фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари мониторингидан, диний муассасалар, миллий бирлашмалар ва оқимлар фаолиятига оид ахборотни мутахассислар ёрдамида таҳлил этиш усулидан фойдаланиш, Ўзбекистонда бағрикенгликка доир материаллардан бемалол фойдаланиш йўли билан олинadиган маълумотларни синчиклаб ўрганиш зарур бўлади. Тадқиқот дастурларини амалга ошириш асосида жамиятда, аниқроғи, бошқарув ва тарбия жараёнларида бағрикенглик кўникмаларини ривожлантиришга оид аниқ-равшан тавсиялар ишлаб чиқилади.

138 миллий, маданий марказни бирлаштирувчи республика байналмилал маданият маркази, ўз вақтида ташкил этилганлиги, мамлакатда миллатлараро ҳамжихатлик ва фуқароларнинг ўзаро тотувлиги муҳитини мустаҳкамлашга, миллий маданиятларни сақлаб қолиш ва уларнинг маънавий қадриятларини тарғиб қилишга, умуман, давлат билан миллий жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, воситаларини шакллантиришга ҳисса қўшиб келди⁶.

Марказнинг фаолиятини давом этаётган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси давом этмоқда.

Мазкур марказлар ўз маданиятини тарғиб қилиш соҳасидагина эмас, шу билан бирга миллатлараро муносабатда бағрикенгликни тарбиялаш соҳасида ҳам доимо кўпгина режаларни амалга оширмоқда.

Кўпгина халқлар маданияти ва анъаналарининг бир-бирига ўзаро таъсири туфайли Тошкент шаҳрида ўзига хос бетакрор муҳит вужудга келди. Бу ерда миллати ва динидан қатъий назар пойтахтнинг бутун аҳолиси аҳил бир катта оила сифатида яшаб келмоқда. Шу муносабат билан тинчлик бағрикенглик, аҳиллик маданияти тамойиллари мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари миллатлараро муносабатларининг асоси бўлиб қолиши лозимлигини доимо сергаклик билан кузатиб бормоқ керак, чунки миллий ҳис-туйғуларнинг ҳаддан ташқари кучайиши тоқатсизлик феъл-атворини, ўзга миллий ва

⁵ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

⁶ Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистонни кўллаб-қувватлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 27-сон, 607-модда.

Ўзга дин кишилари ҳисобига ўз талабларини қондириш иштиёқини ва экстремизм ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Пойтахт ҳокимияти миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган ишлар билан бирга миллий-маданий жамоат ташкилотларининг бу соҳадаги куч-ғайратлари ва амалий ишларини мувофиқлаштириб бориши зарур. Тошкент шубҳасиз миллатлараро бағрикенглик муносабатлари қарор топган, намунали шаҳри бўлиб қолиши лозим бўлади. Тошкент Ўзбекистон Республикасининг энг кўп миллатли шаҳри эканлигини эътиборга олиб, "Тошкент - тинчлик маданияти йўлида" мавзусидаги комплекс шаҳар дастурини қабул қилиб, амалга ошириш бу соҳадаги муҳим амалий қадам бўлар эди.

Бағрикенглик — кўп маъноли тушунчадир, шу сабабли уни фалсафий, тарихий, адабий, диний, сиёсий ва шу каби нуқтаи назарлардан кўриб чиқмоқ керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бағрикенглик тарбияси инсоннинг муайян шароитдаги муайян феъл-атворини ишлаб чиқишдан иборат.

Бағрикенгликни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқиш, айниқса долзарб масала ҳисобланади.

Шу муносабат билан таълимнинг маданий бунёд этувчилик аҳамиятини тиклаш, ўқувчиларни миллий анъаналар ва минтақавий хусусиятлар асосида тарбиялаб вояга етказиш, ҳозирги таълим тизимининг энг муҳим вазифасидир. Эндиликда кўп маданиятли таълим маконини вужудга келтириш муаммоси таълимнинг барча босқичларида: мактабгача тарбия, мактаб тарбияси, олий ўқув юрти тарбияси даражасида ҳал этилмоқда. Айни олий ўқув юртларида турли миллатларга мансуб йигит ва қизлар биргаликда таълим олиши сабабли, бу жойлардан бағрикенглик тарбиясига эътиборни кучайтириш зарур.

Ўзбекистонликларнинг бағрикенглик онгини шакллантириш барча поғоналардаги таълим стратегиясининг ўзаги бўлиб қолиши керак. Маданий таълим технологияларига шахсий экстремистлик кўринишларидан ҳимоя қиладиган ички барқарорлик тамойилини асос қилиб олиш муҳимдир.

Мамлакатдаги замонавий таълимнинг мазмуни жамиятнинг умумий ва касб-ҳунар маданияти соҳасида жаҳон даражасидаги фуқарони камол топтиришни таъминлаши лозим. Ўзбекистоннинг ҳозирги жамияти кўп миллатли ва кўп маданиятли эканлиги сабабли педагогика фани ва таълим тизими олдида бу ердаги турли маданиятларнинг тинч-тотув яшаб, бир-бирини бойитиб бориши вазифалари билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммоларнинг бутун бир мажмуаси кундаланг бўлиб турибди.

Дунёдаги янги ижтимоий-маданий воқеликлар: дунёнинг глобаллашуви ва байналмилаллашуви, этносларнинг ўз маданиятларини юзага чиқариш ва қайта тиклаш жараёнлари, кўп миллатли жамият ва миграция муаммоларига жавобан жаҳон педагогика тафаккури тегишли таълим стратегиясини ишлаб чиқмоқда, бу нарса БМТ, Европа Кенгаши, ЮНЕСКО ва бошқа муътабар ташкилотларнинг ҳужжатларида ўз ифодасини топмоқда⁷.

Ҳозирги вақтда кўп миллатли таълим миллатлараро таълим, глобал таълим деб аталган хорижий концепцияларда мазкур муаммо кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон педагогика фани ҳам шу масалалар тўғрисида бош изланишлар олиб бормоқда.

Кўп миллатли тузилма "ноқулай" масалаларни четлаб ўтишга қарши чиқади, жумладан, сексуаллик ёшга қараб камситиш, этнослараро можаро, диннинг ижобий жиҳатлари мактабда муҳокама қилинмаслигини қоралайди. Бундай назарик тарафдорларининг фикрича, қалтис масалаларнинг муҳокамаси фуқаронинг ўзлигини англаши сари қўйилган қадам бўлади. Бунинг асосий белгилари қуйидагича: одамлар фикр ва

⁷ "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун.

мулоҳазаларидаги бағрикенглик, жамиятдаги маданий хилма хилликни тан олиш ва ривожлаштириш; барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқлар, мажбуршиплар ва имкониятларнинг мавжудлиги; жамиятдаги инсон ҳаётига тааллуқли барча қарорларни қабул қилишда ҳамманинг ва ҳар бир кишининг самарали иштироқи, алоҳида мумтоз кишиларгина эмас, ҳамма учун адолатнинг мавжудлиги, танлаш эркинлиги, озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўпчиликнинг қарорларини ҳурмат қилиш, инсоннинг маданий мустақилликка бўлган ҳуқуқини эъзозлаш.

Ҳозир жамиятимизда бағрикенглик тамойиллари асосига қурилган муносабатларнинг янги маданиятини амалий равишда юзага чиқариш тўғрисида ўйлаб кўриш зарур бўлиб қолди. Зўравонликдан воз кечиш, ўз йўлини ихтиёрий танлаб олиш, виждон эркинлиги, бошқаларни мажбур қилмай, ўзини мажбур қила олиш маҳорати кабиларни мазкур тамойиллар қаторига қўшмоқ керак. Гарчи кўрқитиш, мажбур қилиш муайян пайтларда тарбиявий омил сифатида одамларни интизомга солса ҳам, аммо умуман олганда, улар вазминлик ва сабр-тоқатлиликка ёрдам бермайди. Мамлакатда тоқатсизликка қарши турмоқ учун, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аслида қонунчилик базасини вужудга келтириш, у мумий маълумот савиясини ошириш, омма билан тарбиявий ишлар олиб бориш керак бўлади. Худди шу маънода таълим жараёнига бағрикенглик тамойилини сингдириш, бағрикенг шахсни тарбиялаб, вояга етказиш зарурлиги долзарб вазифа бўлиб турибди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдалар” нутқи. 2017 йил 19 сентябрь.
3. Вохидов М.Т. Толерантлик – ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш омили. Фалсафа. Фан.номз.автореф. – Тошкент, 2010
4. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Фармони. 2017 йил 19 май. АФ-5046-сон.
5. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
6. Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 27-сон, 607-модда.
7. “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун
8. Dilafuz Ergashevna Tukhtaboeva. Development Of Tourism Facilities In The Cities Of Uzbekistan (On The Example Of The Cities Of The Ferghana Valley). // THE AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE AND EDUCATION INNOVATIONS. – 2021. № 3. – P. 349-352.
9. Дилафрўз Тўхтабоева. Истиклол йилларида Асака шаҳри. // Imom Vuxoriy saboqlari. – 2021. № 2. –Б. 51-53.
10. Тўхтабоева Д. Э. Фарғона водийси шаҳарларининг демографик қиёфасидаги ўзгаришлар. // ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ. – 2021. –Б. 226-228.
11. Тухтабоева Д. Э. ИЗ ИСТОРИИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ГОРОДА МАРХАМАТ. // ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2021. –Ст. 19-21.

12. Тўхтабоева Д. Э. Шаҳарлар тараққиётига ҳавф солаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2020. № 3. –Б. 36-39.
13. Dilafruz Ergashevna Tukhtaboeva. Innovative Changes in Architecture of Small and Medium Cities. // TEST. – 2020. – P. 1839-1842.
14. Тўхтабоева Д. Э. Ҳунармандчилик шаҳарларидаги ҳунармандларнинг инновацион фаолиятлари. // Ўтмишга назар. –2019. № 12. – Б. 99-105.